

«Кошкийди адабиётга ўзларича хомийлик килаётганлар асл адабиёт билан халтуранинг фаркига тезрок етсалар».

Абдулла Орипов илк мўъжаз китоби - «Митти юлдуз»ни нашр эттирганида йигирма бешни, Тогай Мурод биринчи киссаси кўлёзмасини журналга топширганида ўттиз ёшни коралаганди. Субхи сахар туриб, «ойнаи жаҳон» мурватини бурасам бир ўкувчи кизча бурро-бурро гапиряпти: - Бу менинг учинчи китобим. Тўртинчисини хам нашрга тайёрладим...

Тенгдошлари сочбогига жамалак такиб, халинчак учишдан ортмаётган бир пайтда бу кизчанинг «сермаксул»лигига тан бермасдан илож йўқ. Эҳтимол, «Бунинг нимаси ёмон? Ёшларимиз шунака илгариб кетди-да!» дерсиз. Хўп, майли. Лекин аксарият «сермаксул» ижод киладиган кизчаларимизнинг китобчаларини бир вараклаб кўринг-чи, лоакал биронта эсда коларли шеър топиладими! Назаримда бугун бадиятнинг «мукофот учун ёзиладиган» тури пайдо бўлди.

Аксарият нашриётлар эшигига «мехрибон отажонлар» танда куришган:

- Кизимнинг китобини чикармокчидим. Фалон танловда иштирок этиши керак...

«Жонкуяр она»лар таҳририятлар эшигини кокишаپти:

- Боламнинг шеърларини тартибга келтириб, кайта ишлаб берсангиз...

Бир каламкаш танишим мактаниб колди:

- Фалончи мукофотини олган анови ўкувчи кизнинг китобини мен ёзиб бердим...

Илгарилари китоб чикириш у ёқда турсин, шеър ёки хикоянгизни адабий-бадиий газета-журналлар сахифасидан ўрин олиши учун хам минг битта чигирикдан ўтардингиз. Ёзганларингиз ёзувчилар уюшмаси маҳсус кенгашидан ўтсагина босиб чикариларди.

Хозир эса китоб нашр этиш хам ўзига хос бизнесга айланди. Ёмгирандан кейинги бемаза кўзикориндек сони кўпайган ноширу нашриётлар хизматингизга хозири нозир. Факат чўнтағингизда акчангиз ёки саховатли хомийингиз бўлса бас. Истасангиз китобингизни бир кечадаёк ёстиқдек килиб чоп этиб, кўлингизга тутказишади. Уни кимга сотиш - бу энди ўзингизнинг муаммонгиз! Мухими, жимжимадор муковали китобингиз чиккан. Уни катта-кичик давраларда кўз-кўз килишингиз, саховатли бўлсангиз таниш-нотанишга дастхат битиб беришингиз мумкин. Ха айтгандай... йирикрок ўкув даргоҳида сўзи ўтар танишингиз бўлса, белгилаган баҳонгизга уч-тўрт сўм кўшиб, китобингизни соттириб беради.

Балки ёш хаваскорнинг (эртага ундан шоир чикиш-чикмасидан катъий назар) китобини чоп эттириб бериш, хомийлик килиш унга ижодий рагбат берар (шеърларини бошкатдан ёзиб берилмаса, албатта). Аммо адабий жамоатчиликка анча танилиб колган ижод ахли ўртасида хам китоб чикириш мусобакаси авж олдирилаётганига нима дейсиз?

Иш хонасига кириб, соглик-омонлик сўрашганимиздан сўнг баҳши-шоир укам Рустам Мусурмон салмоқдор китобни кўлимга тутказди:

- Ака, шуни ўкиб туринг, мен ишларимни килиб олай.

Биламан, одатда унинг айрим киликлари остида кувлик бўлади. Лекин айни дамда мени зерикмай ўтирсин деяётгандир, деган хаёлга бордим. Китоб гоят чиройли эди. Тўгри, гўзал мисралар шакл танламайди, кўлёзмада хам ялт этиб кўзга чалинади, юрагингни

жизиллатиб, кўнгил мулкингга айланади. Аммо китобнинг ўрни барибир бўлакча. Мустакиллик шарофати билан ноширик саноатимиз анча юксалди. Бугун бизда нашр этилаётган китоблар сифати исталган тараккий этган мамлакатлардагидан колишмайди. Нуфузли нашриётда, олий навли когозга чоп этилган, каттиқ, ялтирок жилди шеърий китобни вараклашга киришдим. Сийрат билан суврат хамиша хам бакамти келавермас экан, зўрма-зўраки кофиялар, вазнсиз вазн, беўхшов ўхшатишлар хафсаламни пир килди, асабим бузилди. Рустам Мусурмон буни сезди шекилли, аста гап бошлади:

- Ичидан шеър танлаб олиб газетага чикишим учун хар куни шу тахлит китоблардан анчасини совга этишади. Якинда шу ака хам (кўлимдаги китобга ишора килди) сайланмасини ташлаб кетганди. Шеърларидан беш-олтитасини танлаб олиб, тахрир килдим-да, бош мухаррирга олиб кирдим. Раҳбаримизнинг талаби каттиқ, атиги иккитасини, ўшанда хам кискартиришлар билан босишига руҳсат берди. Шоир акамиз хам кап-катта одам, хафа бўлмасин тагин дедим-у, яна бир-иккита шеър танлаб олиш учун китобини бошдан-охир ўкиб чикдим. Минг титкилаганим билан бўлмади, козонда йўги чўмичга чикмас экан...

Шеъриятнинг каргиши

Буюк Навоийдан мерос шеъриятнинг илохий кучи бор - кадрига етганни улуглаб, нописандни назардан колдиради. Гапнинг очиги, кейинги вактларда хамма шоирликка даъвогар. Фонограммада хирилдок овозига сайкал бердириб, икки-учта бемаъни кўшиги билан ёшларнинг бошини айлантираётган эстрада «юлдуз»чasi хам ашуалари матнини bemalol ўзи ёзяпти. Пенсияга чикиб, уйда зерикиб колган айрим кишилар хам (кайси касбда ишлаган бўлишидан катъий назар) «мана энди вактим bemalol» дея шеър ёзяпти. Бу «ижод маҳсуллари»даги тумтаракай мисралар, фикрсиз матн, хароб бўлган кофия учун ШОИР деган ном гунохкор!

Хозир шоирчиликнинг «кўшикчи шоир» деган кўриниши хам бор. Кизик, Алишер Навоий хазратлари мумтоз адабиётимизнинг гултоҷига айланган газалларини кайси кўшикчининг буюртмасига асосан ёздилар экан? Эркин Вохидов «Инсон ўзинг»ни, Абдулла Орипов «Биринчи мухаббатим»ни, Омон Матжон «Умр ўтар»ни кўшик бўлади деб ижод килганмиди? Яхши шеър ўз-ўзидан мусикага уйкашиб кетавермайдими?!

Афсуски, бугун матнга мусика басталашнинг ўрнига мусикага матн ёзиляпти. Вилоят газетасида ишлайдиган бир шогирдим яхшигина шеърлар хам ёзади. Бир куни шу шогирдим билан маҳаллий бастакор ўртасидаги сухбатга гувоҳ бўлдим:

- Сиз шоирсиз, мен бир зўр мусика басталагандим, шуни эшитиб кўринг-а...
- Бастакор жажжигина плеерини ишга туширди. Курмагур иктидорли экан, хазин мусика юракларни титратиб юборди. Оханг огушида сехрлангандек ўтирганимизда бастакор дабдурустдан гап бошлади:
- Шунга шеър ёзиб беринг, хакини тўлайман.
- Шоир бола хижолатлик билан:
- Шеърларимни берай, ўзингиз танлаб олаколинг, - деди. Бу гап бастакорга ёкмади.
- Бунакаси кетмайди! - деди катъий бош чайкаб. - Мен битта шеърни деб шундай

музыкани ўзгартиролмайман. Хазон бўлган севги хакида бир-икки мисра тўкиб беринг, етади. Колганини ўзим эплаб кетаман.

- Кейин матн кимники бўлади?

- Матн... майли, сизники бўлаколсин! - «мурувват» кўрсатди бастакор. Шоир бола бечора каттик ранжиди.

- Кечирасиз, - деди овози титраб, - мен буюртмага шеър ёзмайман!

- Ўйлаб кўринг, - деди бастакор кошини олифтанамо кериб. - Бунака имконият хадеб бўлавермайди. Харна пул ишлаб оласиз...

Шогирдимнинг баттар авзойи бузилди:

- Йўқ! Шеъриятнинг каргишини кўтаролмайман!..

«Машхур бўлиш»нинг осон йўлидан воз кечган шогирдимга ичдан тасанно ўкидим.

Бугун «эстрада юлдузи» шоирларга шеър деб ялиниб ўтиришни истамайди, тугма шоир буюртмага шеър ёзмайди, нашр этилаётган хар ўн китобнинг саккизтаси шеъриятга дахлдор бўлса-да, умрбокий кўшиклар танкис, бугун «хит»га айланган кўшик эртага унутилиб кетяпти... Айб кимда? Шоирдами? Бастакордами? Ижроидами?

Мумтоз кўшикларимизни кўя турайлик. «Сен баҳорни согинмадингми?», «Онагинам», «Ўхшайдику», «Лайло» сингари кўшиклар ярим аср ёки ўн йилликлар билан бўйлашган бўлса-да, меъдамизга тегмайди. Нега хозир шу сингари кўшиклар яратилмаяпти?

Яххиси, бу саволларга шеъриятни турлаб олган, «харна пул ишлаб олиш» ниятида кўлига калам оладиган «кўшикчи шоир»лар жавоб беришсин!..

«Сарик матбуот адиблари»

«Хакикий - асрлар оша яшайдиган, чинакам санъат намунаси бўлган асарлар жуда оғир, машаккатли меҳнат эвазига дунёга келади».

Бир каламкаш дўстим айтиб колди:

- Хафталик кўнгилочар газеталардан бирига киссаларимни жўнатган эдим.

Тахририятдагилардан «Асарларингиз нихоятда жиддий экан, уларни газетхонларимиз хазм этолмайди» деган жавобни олдим...

Кизик, руҳий драматизмга бой асарларни ўзбек китобхони хазм этолмаяптими ёки кўнгилочар газета «талабари»ми? Бундай газеталарнинг вазифаси одамларга олди-кочдилардан иборат саёз бир нарсаларни «асар» деб такдим этишдангина иборатми?

Ўрни келганда бир хакикатни алоҳида таъкидлаш лозим, китобхондан маълум даражадаги руҳий тайёргарликни талаб этадиган, фалсафий мушоҳадаларга бой асар муаллифнинг машаккатли меҳнати, ботиний эмринишлари эвазига дунёга келади. Бундай ёзувчилар ижодида сермахсуллик бўлмайди. Оз, лекин созгина! Бугун эса ўтиrsa роман, турса кисса, юрса хикоя ёзадиган «сермахсул адиб»лар пайдо бўляпти. Бир кўнгилочар (русча айтганда «бульварная») газета ходимининг бармок билан санаарли муддатда ўндан ортиқ кораламани саргузашт-детектив роман деб китоб холида чикарганини кўрдим.

Бунга энди нима дейсиз!

«Тез битган» битикларда бадијат йўқ. Жўн жумлалар, ним бадиий тўқималардан иборат

сюжетлар кўп. Бирининг каҳрамони Дубайда юрса, иккинчисиники Парижнинг серҳашам булварларида кезаётган бўлади, бошқасинининг каҳрамони Россиянинг ўрмонларида сарсон. Бу «асар»ларда аслида туриш-турмуши салбий кусурлардан иборат каҳрамон ўкувчига ижобий образ ўрнида тикиштирилади, Гарбда «енгил мутолаа» учун чикариладиган асарлардан кўчирилган воеалар силсиласи ривожлантирилади (буни ёзган «адиб» «миллий колорит» деган тушунчалар билан бошини оғритиб ўтирган, албатта). Уларда ўзбекчилигимизда сир тутиладиган майший сахналар, ёткхонадаги «воеа»ларгача очикдан-очик баён этилаёттир.

Бинойидек калами бор бир ижодкор илк асарлари биланок анча тилга тушиб колганди. Шу ижодкор хам кўнгилоchar газеталардан бири билан шартнома тузди-ю, буюртма асосида хикоя, киссалар коралашга ўтиб олди. Тўгри, у «сарик матбуот» оркали анча донг таратиб кўйди хам. Бир куни уни кўчада учратиб колдим. Хали салом-алигимиз тугамай:

- Шошиб турибман, ака. Эртага газетанинг навбатдаги сони чикади. Унда чикаётган киссамнинг давомини ёзиб беришим керак, - деди.
- Хали тугамаган киссани газетада босяпсизларми?
- Хозир хамма шунака киляпти. Киссани буюртма асосида, тўгридан-тўгри «полоса» (газета сахифаси)га ёзиб бераман, - деди у мени хайрон колдириб.
- Ие, кўлёзма-чи?
- Кўлёзма килишга вакт кайда!

Унинг гапларидан эндиликда аччик ичакдек чўзиладиган, тўқима сахналарга бой, «сериал кисса»лар хам тўгридан-тўгри газета сахифасига ёзилаётганидан хабардор бўлдим.

- Биз адиллар, - деди ижодкор магруона охангда, - давр нимани кўтарса, шуни ёзамиз.
- Ахир бу халтура эмасми? - дейман куюниб. - Вактлар ўтиб, саёз тўқималаринг ўкувчиларнинг меъдасига тегса, хамма меҳнатинг бир тийинлик бўлиб колишидан кўркмайсанми?

Ижодкор беписанд кўл силтади:

- Одамларга шу керак экан, бугун ўкишяпти. Эртага бир гап бўлар...
Омон Мухторнинг таникли адимиз Шукур Холмирзаев хакидаги хотираларидан бир вактлар Шукур ака «Акс садо» номли ажойиб роман ёзганини, нимасидир ўзига ёкмагани учун уни ташлаб юборганини ўқидим. Тўгри, устоз Шукур Холмирзаев ўз ижодига хам, ўзгалар ижодига хам аёвсиз эдилар. Шунинг баробарида асл асарни кўллаб-куватлашни хам билардилар.

Шу каби талабчан устозларимиздан хозирги «сарик матбуот адилари» ижоди хакида фикр сўралса, нима деган бўлишарди? Ўшанда биз - хаммамиз нима деган одам бўлардик!..

(Иктибослар Шукур Холмирзаевдан олинди)

Абдунаби АБДИЕВ